

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик
куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1996 йил август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚҲИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ • Баҳоси эркин нархда



КООРДИНАЦИОН КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Маълумки, 1992 йил Марказий Осиё давлатлари координацион сув ҳўжалиги комиссияси тузилган эди. Худуддаги беш давлат сув ҳўжалиги органлари аъзо бўлган комиссия сув ресурсларидан меъёрида ва унумли фойдаланиш, гидротехника иншоотларининг техник ҳолати каби масалаларни муҳокама этади. Яқинда Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида ана шу координацион комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 1995 йилнинг иш якунлари ва 1996—1998 йилларга мўлжалланган иш режалари муҳокама этилди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Республикада нақд пул маблағлари эмиссияси ва касса режаси белгиланган даражасининг 1996 йилнинг июл ойидаги бажарилиши якунлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда умуман республика ва Тошкент шаҳри бўйича нақд пул маблағларини эмиссия даражасини пасайтиришнинг прогноз кўрсаткичларини бажаришга эришилганлиги таъкидланди. Шу билан бирга белгиланган прогноз кўрсаткичларини бажара олмаган вилоятлар ҳокимларига ва уларнинг ўринбосарларига жарима солиниши қайд этилди.

ПОЛША ТАЖРИБАСИ ҚҲЛ КЕЛДИ

Республика давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг Сурхондарё вилоят бошқармасида хусусийлаштириш борасида Полша давлати тажрибасини ўрганишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Семинарда Европа ҳамжамияти эксперти, иқтисод фанлари доктори Людовик Хейин Полша мисолида хусусийлаштиришнинг асосий омиллари ҳақида гапириб берди, саволларга жавоб қайтарди.

СОҲИБҚИРОН ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган қишлоқ ёшларининг биринчи Республика спартакиадаси Амир Темури таваллудининг 660 йиллигига бағишланди. Унда республикамизнинг барча вилоятларидан вакиллар иштирок этишди.

ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ҳокимлиги ва республика «Камолот» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликда меҳнат ярмаркаси ўтказишди. Тадбир туфайли юздан ортиқ йигит-қизлар билим юртларига, 150 нафар ёшлар эса завод-фабрикаларда ишлашга йўлланма олдилар.

ЎЗА ва республика матбуоти хабарлари асосида тайёрланди

УШБУ СОНДА:

2-БЕТ:
МЕНИ ЯХШИ КўРИНГ...

4-БЕТ:
КАНОАТ — УМИДЛАНМОҚ
САНЪАТИ

5-БЕТ:
ЖАРОҲАТЛИ ҚАЛБЛАР
НИДОСИ

8-БЕТ:
ЛИБЕРИЯНИНГ МИЛЛИЙ
ИФТИХОРИ



С. Маҳкамов сурати.

«Фарзанд — умр беази» дейишади. Ушбу суратга боқиб туриб бу сўзларнинг нақадар ростлигига ишонч ҳосил қиласан, киши. Бир йўла уч фарзанд кўрган Заҳрохон Эрматованинг қувончи чексиз (Бу оила ҳақидаги мақолани газетамизнинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

**АКЦИЯ
ИҚТИСОД
ТАЯНЧИ!**



Тел: 363084
Тел/ 343176
Факс: 343176

Яқинда Тошкентдаги Собир Раҳимов тумани Бобур маҳалласида истиқомат қилувчи Эрматовлар хонадонидида қувончли воқеа рўй берди. Уларнинг фарзандлари Нуриддин ва Заҳрохон Эрматовлар бир йўла уч фарзандли бўлишди. Оллоҳнинг марҳамати, қудратини қарангки, эгизаклар Фотима, Зуҳро, Зулайҳо бир-бирига жуда ухшаш. Ҳатто уларнинг вазнлари ҳам қарийб бир хил: 2 кг, 2,10; 2,150.

Она нақадар улуғ ном. Табиатнинг кичик бир жуссасида шунчалик жасорат, куч-қувват. Заҳрохон бир эмас, икки эмас, уч фарзандли бўлибди. Бу ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган бахт, қувонч. Бундан турмуш ўртоғи Нуриддиннинг ҳам қувончи чексиз.

Ойижоним осмонга учиб кетганларида ҳали кичкина қизча эканман. Ўзларини эсламасам-да, суратларини кўриб яхши кўриб қолганман.

Бувимлар бир куни «Шахло, сенга эртага ойижон олиб келамиз», — деганларида бирам севиндимки! Кечаси ҳечам ухлагим келмади. Ховлидаги супамизда, бувимларнинг ёнларида осмондаги оймомога қараб ётдим. Ётавердим... Бирдан оймомодан бир аёл менга қараб кулиб турганини кўрдим. У эртага келадиган ойижонга ўхшаса керак, деб ухлаб қолибман.

Эрталаб бувим хамир қориб бўлгач, «Юр, Шахложон, онангин олдида бориб келамиз», дедилар. Ховлидаги райхонлардан узиб-узиб олдиқ-да, кетдик. Мозорга борарканмиз. У ердан кўркаман. Битта каттакон тошга чизилган суратнинг ёнига гул қўйдик, райхонлардан қўйдик. Бувимлар бир нарсаларни ўқиб «Омин» қилдилар, мен ҳам қилдим. Кейин роса йиғладилар. «Қизингни деб шунга кўндирдим, руҳинг тинч бўлсин, болам», — дедилар. Рўх деганлари нимакин-а?... Уйга келганимизда бувим нон ёпдилар, ош дамладилар. Мен бўлсам челақчам билан ҳовлига, кўчаларга сув сепдим. Кейин янги, кеча дадам олиб келган кўйлагимни кийиб олдим. Ясандим.

Кўчага машина келганини эшитиб, чопиб чиқдим. Қарасам, сиз келибсиз. Танидим дарров, кечкурун оймомода юзингизни кўргандим-де. Машинадан тушганингизда сиз билан бир қизча

ФАРЗАНД-УМР БЕЗАГИ

8 фарзанднинг меҳрибон ота-онаси, оила бошлиғи Журавой ака ва Матлуба аяни-ку қўяверинг. Хурсандликдан бири олиб-бири қўйиб эгизаклар парваришида кўмақда.

— Фарзанд инсон умрининг безағи. Мен ўзим болажонман. Худога минг марта шукр, шу жажжиларимни етказганига. Илоё, умрлари узоқ бўлсин, — дейди Журавой ака биз билан суҳбатда тўлқинланиб.

Дарвоқе, Заҳрохон Мунира опанинг икки эгизакдан кейинги фарзанди, Заҳродан кейин яна икки эгизак. Оилада жами 6 фарзанд. Улар ҳозирда барчаси тиниб-тинчиб, бола-чақали бўлиб кетишган. Шулардан Заҳ-

рохон онасига тортди.

Биз Мунира опа ва уларнинг азиз фарзандлари Заҳрохонга жуда-жуда ҳавасимиз келди. Азиз, табаррук оналар қаршида таъзим бажо айлаймиз.

Эрматовлар хонадонидан қувонч билан қайтар эканмиз, бу бахтиёр оилани қўшалок бахт билан чин дилдан табриклаб, барча-барча ота-оналарга шундай бахт насиб этишини талаб қоламиз.

Лекин бу бахтли оиладан қайтар эканмиз, дилимизнинг бир чети озгина хира тортиб қолди.

Эрматовлар хонадони юртимиздаги энг ибратли, мақтаса арзигудек ой-

лалардан бири. Лекин 28 жоннинг кичик бир пастқам ҳовлида истиқомат қилаётганлиги, ҳатто эгизаклар оиласи Заҳрохон, Нуриддинжон ва уларнинг 5 фарзанди кичик-кичик икки хонада яшаётганлиги гоят ачинарли ҳол.

Биз албатта шу туман ҳудудидаги 21-болалар поликлиникаси ва Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан эгизакларга ҳар томонлама ёрдам берилишига ишонамиз.

Дилбар РАҲИМ қизи

Оланда ган кўн

МҲЙЛОВ — АЁЛНИНГ МУАММОСИ

АҚШнинг Виржиния штатидаги Ритц-Карлтон меҳмонхонасида ишловчи Лиция Галински хоним ишдан бўшатилди. Сабаби, у... мўйловини кирдириб ташлашдан бош тортди. Лициянинг юқори лабини устки қисмини бир қарашдаёқ кўзга ташланадиган қалин, қоп-қора туқлар қоплаган. Меҳмонхона йўриқномасига биноан эса бу ерда ишловчи аёлларнинг юзларида туқларнинг бўлиши қатъиян тақиқланади.

ҳам тушди. Дадам кулиб олдимга келдилар.

— Шахложон, она қизим, мана бу ойижонинг, сени яхши кўради, бу Зебо, сенга ўртоқ...

Ойижон, сизни кечкурун оймомода кўрганимни айтиб мақтангандим. Йиглаб юбордингиз, дадам ҳам йиғлади-

Сиз ясаниб олибсиз. Куляпсиз. Бундан биз суюниб кетдик. Кечга томон сиз ишдан келгунингизча ҳовлиларни сурпурдик. Ишдан келиб овқат қилдингиз. Хонамизга кирсак, каравотимизда худди меникидақа кўйлакча ва туфлича ту-

• ОЙДИН ТУЙГУЛАР

МЕНИ ЯХШИ КЎРИНГ...

лар. Кейин Зебони қўлидан ушлаб бувижонимнинг олдида кирдик.

— Қаранг, дадам менга ўртоқжон олиб келдилар, — десам, улар қовоғини солиб. «Ҳа, яхши, борларинг ичкарига», деб ҳайдаб юбордилар. Қизик, нега ундай қилдилар?... Зебо билан яхши ўртоқ бўлиб олдик. Дадам хонамга яна битта каравотча қўйиб бердилар. Энди кечкурунлари зерикмаймиз. Маза. Зебонинг ҳам дадасичи, осмонга учи-и-б кетган экан, ойиси айтганмиш...

Дадам дам олиш кунлари қўмилишга, тоққа олиб бордилар. Роса уйнадик. Зебодан ҳеч ажралмаман, у ҳам менга ўрганиб қолган. Лекин... Кейин ёмон бўлди-де!...

Бир куни дадам менга чиройли кўйлак билан туфлича олиб келдилар. Бирам хурсанд бўлдимки... Кейин қарасам, Зебога олиб келмабдилар. «Дадажон, нимага Зебога олиб келмадингиз, мен киймайман», — дедим, аразлаб. Зебо эса йиғламади ҳам — Вуйй, сенга ярашганини, кийиб юргин, Шахло... деди.

Ошхонага тарелкаларни олгани борсак, сиз йиғлаясиз. Кучоқлаб олсам, баттар йиғладингиз, мени ўпдингиз. Ўша куни сизга дадам бақирдилар, уришдилар. Сиз ҳеч нима демасангиз ҳам. Нега бундай қилдилар? Зебо кўриб, парданинг орқасидан мўралаб-мўралаб келди.

«Уришишпти. — деди шивирлаб. Кейин иккаламиз кучоқлашиб олиб роса йиғлаб-йиғлаб менинг каравотимда ухлаб қолибмиз. Эрталаб бизни сиз уйғотдингиз.

— Ўзим ўргилиб кетай сизлардан, кўзичоқларим.



Р. Альбеков сурати

ништирди.

Ойижон! Сиз эса 2-қаватга чиқиб балкондан бизларга қараб, кўл силқиб кулардингиз. Бу кулиш сизга роса ярашардики. Кейин, сиз шим билан кофега кийиб сочларингизни турмаклаб олиб, уйларни супуриб, полларни ювдингиз. Зебо билан мен нон олиб келдик. Унинг хонаси зўр экан. Музика қўйиб ўйнадик. Сиз ҳам ўйнаб бердингиз. Роса кулишдик. Чиройли ўйнаркансиз. Мазага қилиб мураббо-лар билан чой ичдик. Кейин соатга қараб хавотирга тушдингиз-да, энди кетайлик, кўзичоқларим, дадангиз ҳам келиб қолар, дедингиз, ташвиш билан.

Кейин жимгина уйга қайтдик. Уйда яна ҳаммамиз жим-жим ўтирамиз.

— Дадажон, келинг, гаплашиб ўтирайлик, — дегим келди. Лекин, кўркаман. Олдинлари Зебо иккимиз кўзичоқларимизни ҳовлига олиб чиқиб ўйнар, шовқин-сурон кўтарардик. Кулардик. Кейинчалик кўзичоқ ўйнамай қўйдик. Зебо мендан ажралишдан жуда кўрқаркан, мен яна сиз ҳам осмонга учи-иб кетсангиз-а деб ўйласам кечкурунлари йиғлагим келади. Нега сиз мени кў-ўп кучоқлаб, юзларимга юзларингизни қўйиб ўтирасиз. Кейин сўрайсиз: — Шахложон, қизалоғим, биз билан кетиб домда яшайсанми?

— Дадам-чи? Дадам ҳам кетсинлар, — десам жим бўлиб қоласиз.

— Биласизми, ойижон, дадамлар сизниям, мениям, Зебониям яхши кўрадилар. Бирга шу уйимизда яшайлик кўпми-а, ҳовлида райхонларимиз кў-ўп, чиройли. Бувим айтдиларки, дадамга ишларидан гап текканмиш, яна ҳаммаси яхши бўлиб кетаркан, бир куни. Кейин улар ҳаммамизга кулиб гапирдилар. Шунда кечирасиз-а, даданими? Сезяпман кетиб қолмоқчисиз. Зебони «дом»га олиб кетманг. Уйимизда қолинг, оймомодан тушган ойижоним, ахир, мен сизни жудаям яхши кўраман-ку. Сиз ҳам мени яхши кўринг... Басира САЙИД АЛИ



Абдурасул Пардаев сурати

Япон ёзувчиси Банана Йошимото ҳақида танқидчилар, китобхонлар ва бадиий адабиёт аҳли орасида хилма-хил фикрлар мавжуд. Чунки бу ёш ижодкор прозага ўзининг янгича услубини олиб кириб, япон адабиётида ўз ўрнига эга бўлди.

Унинг биринчи асари — «Ошхона» бу эндигона йигирма тўрт ёшга қадам қўйган гаройиб япон қизининг ички кечинмалари эди.

«Ошхона» катта муваффақият қозониб, тез орада муаллифни кенг япон адабий муҳитига танилди. Роман туфайли Банана япон ёшларининг севимли ёзувчисига айланди. Кургина адабиётчиларнинг фикрига қўра асар ҳақли равишда жамиятдан узоқлашиб, бегоналашган замо-

АЁЛ ДУНЁНИ ТЕБРАТАР



ИЖОДИЙ ИМКОНиятлар сари

навий ёшлар овози эди.

Ҳозирги кунда ўттиз бир баҳорни қаршилаган бу аёлнинг 10 та роман ва 7 та эссеси мавжуд.

Банана олтмишинчи йиллар охирида радикал (қисман демократик реформалар ўтказиш тарафдорлари) студентлар ҳаракатига кучли таъсир кўрсатган зиёли Йошимото Риюейнинг қизидир. Шу сабабими, адабий доираларда унинг асарларида акс этган радикализмни муҳокама қилишайтган

пайтларда, унинг томирларида қон ўрнида радикализм оқади, деб ҳазиллашишади. Банананинг америкалик рок юлдузи, марҳум Курт Кобайн хотирасига бағишланган «Калтакесак» деб номланувчи инглиз тилидаги романи эса адабиётчилар орасида

катта шов-шувга сабаб бўлди. Роман ёзувчининг олдинги асарларидан тубдан фарқ қилиб, бу ҳақда берилган саволга Банананинг ўзи «мен мавзу ва услубларни ўзгартириб туришни севаман», деб жавоб берди.

Шуни алоҳида қайд этишимиз лозимки, Банана эркаклар жамиятда ва оилада доимо аёлга нисбатан устун туради, деган фикрга шубҳа билан қарайди.

Қўпчилик Банананинг ижодий имкониятларига катта ишонч,



умид билан қарашмоқда. Ҳатто «унинг ижодидаги изчиллик шу зайдда давом этса, келажакда, албатта, Нобел мукофоти олиди», дейишяпти адабиёт аҳли.

Салоҳиддин СИДДИҚОВ
тайерлади

Қуръонда КИБР-ҲАВО қораланган оятлар жуда кўп. Ҳадисларда ҳам шу ҳолни кўраемиз. Пайғамбаримиз буюрдилар:

—Қалбида хантал (горчица) донасининг бир дирҳам оғирлиги қадар КИБР-ҲАВО бўлган кимса жаннатга кирмайди. Қалбида хантал донасининг бир дирҳами қадар ИМОНИ бўлган кимса эса жаҳаннамга кирмайди:

Абу Салама ибн Абдуллоҳ хикоя қилади:

—Абдуллоҳ ибн Амр билан Абдуллоҳ ибн Умар Сафо тоғида учрашиб қолишди. Лекин Ибн Амр саломлашмасдан ўтиб кетди. Ибн Умар турган ерида қотган туриб қолди ва йиғлай бошлади. Ундан: «Нега йиғлаясан, эй Абдуллоҳнинг отаси?» деб сўрадилар. Ибн Умар дедики:

—Бу Ибн Амр, Расулulloҳнинг: «Кимнинг қалбида хантал донасининг бир дирҳами қадар КИБР-ҲАВО бўлса, Оллоҳ уни хору зор этиб жаҳаннамда қабр қилади!» деганини эшитдим, деганди-ку!

Яна Оллоҳ Расули буюрдилар:

—Нафсининг кетиға тушиб кетган ҳар бир кимса МУТАКАББИРЛАР ДАФТАРИГА ёзилади ва уларга етказилган азоб буларга ҳам етказилади.

Бир кун Ҳазрат Сулаймон—салом Унга—қўшларга, инсонларга, жинларга ва ҳайвонларга дедики:

—Чиқинг!

Шунда инсонлардан икки юз минг, жинлардан икки юз минг киши чиқди, улар кўкка юксалтирилдилар ва кўкда фаришталарнинг Оллоҳни зикр этаётганини эшитдилар. Сўнгра ерга туширилдилар, оёқлари нақ денгизга тегди. Бу орада бир овоз эшитилди. Шундай дер эди:

—Агар дўстининг қалбида заррача кибр бўлсаиди, бундан ҳам баландроқдан тўшардинг!

Оллоҳ Расули буюрдилар:

—Жаҳаннамдан бир БҮЙҮН чиқади, эшитадиган қулоқлари, кўрадиган кўзлари ва гапирадиган тили бўлади. Бирдан тилга кириб «Менга уч гуруҳ инсонларни судраб кетиш вазифаси юкланган» деб айтади ва уларни санайди:

1—ТАКАББУРЛАР ва ҚАЙСАРЛАРНИ,

2—Оллоҳ ила бошқа илоҳни қақирганларни,

3—Бадфеълларни ва куйловчиларни...

Уч тоифа киши жаннатга киролмайди:

1—ҲАСИС,

2—ТАКАББУР-ЗОЛИМ,

3—БАДФЕЪЛ.

Жаннат ила Жаҳаннам баҳслашиб қолишди. Жаҳаннам дедики: «Мен ТАКАББУРЛАРНИ ва МУСТАБИД-ЗОЛИМЛАРНИ устун кўраман!», Жаннат эса дедики: «Мен эса КАМТАРЛАРНИ, ФАҚИРУ БЕНАВОЛАРНИ ва ОЖИЗЛАРНИ устун кўраман!» Оллоҳ Жаннатга овоз берди: «Сен менинг РАҲМАТИМсан! Бандаларимдан истаганимни сен билан

рахматимга фарқ этаман!» Жаҳаннамга эса дедики: «Сен менинг АЗОБИМсан! Истаганимни сен билан азоблайман. Сизларга тушганлар сизларники бўла-жак!»

Пайғамбаримизга бир кишининг устидан шикоят қилдилар:

—Эй Оллоҳнинг Расули, фалон киши шу қадар КИБР-ҲАВОЛИКИ!

Расул буюрдилар:

—БУ КИБР-ҲАВОдан кейин ўлим йўқ эканими?

Абдуллоҳ ибн Амр хикоя қилади:

Расулulloҳ буюрдиларки:

—Нух Алайҳиссалом ўлими чоғида

АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙ КИБР-ҲАВОНИНГ ЁМОНЛИГИ

икки ўғлини қақириб, шундай деди: «Икковингизга икки нарсани буюраман, икки нарсани таъқиқлайман:

1) Оллоҳга ШЕРИК ТАНИШНИ ва КИБР-ҲАВОГА берилишни манъ этаман;

2) ЛО ИЛОҲА ИЛЛОЛЛОҲ (КОИНОТДА ИБОДАТ ҚИЛИНАДИГАН ЁЛҒИЗ ОЛЛОҲДИР) СУБҲОНОЛЛОҲ ВА БИҲАМДИҲИ (ОЛЛОҲНИ НУҚСОН СИФАТЛАРДАН ТАНЗИҲ ЭТАМАН, УНГА ҲАМД АЙТАМАН) жумлалари ифодалаган ҳақиқатларни тасдиқлашингизни буюраман. Чунки осмонлар, ер ва уларда неки бор бўлса—ҳаммасини тарозининг бир палласига, ЛО ИЛОҲА ИЛЛОЛЛОҲ жумласини (бу жумла ифодалаган ҳақиқатни) бошқа палласига қўйилса, ҳеч шак-шубҳасизки, ЛО ИЛОҲА ИЛЛОЛЛОҲ оғир келади. Агар осмонлар ва ер тепекис ягона бир майдон бўлса-ю, ЛО ИЛОҲА ИЛЛОЛЛОҲ унинг устига қўйилса, ҳеч шак-шубҳасиз, уни чўктириб юборади. СУБҲОНОЛЛОҲИ ва БИҲАМДИҲИ эса барча яратикларнинг дуосидир. Бутун яратиклар шу дуо билан ризқланади.

Пайғамбаримиз буюрдилар:

—Жаҳаннам аҳли: ЗОЛИМЛАР, ТАКАББУРЛАР ва МОЛ-МУЛК ЙИҒИБ ҳам атрофидагиларга фойдаси тегмаган ҲАСИСЛАРдир. Жаннат аҳли эса: КАМТАРИН-КАМСУҚУМЛАР ва МОЛ-МУЛКНИ ЖАМИАТНИНГ ХАЙРИ УЧУН САРФЛАГАНЛАРдир.

—Қиёмат куни бизнинг энг севимли кишиларимиз ва бизга энг яқин бўлганларингиз энг яхши ахлоқли бўлганларингиздир. Бизнинг энг севмаган кишиларимиз ва бизга узоқ бўлганларингиз САҒСАТАБОЗ, БЕМАЪНИ, ВАЙСА-ҚИЛАРИНГИЗ ва ТАКАББУРЛАРИНГИЗДИР.

—ТАКАББУРЛАР қиёмат куни уруғ до-

ган вақтда унда уч нарса бўлмаса, у жаннатга қиради:

1) КИБРУ-ҲАВО,

2) ҚАРЗ,

3) ХИЁНАТ.

Сулаймон Ҳаввосдан сўрадилар:

—Одамда ёмон хислатнинг қай бири бўлган вақтда у қилган яхшиликдан фойда чиқмайди?

Жавоб берди:

—КИБР!

Нўмон ибн Башир минбардан шундай деган эди:

—Шайтоннинг бир талай тузоқлари бор. Оллоҳнинг неъматлари билан ГЕРДАЙМОҚ, Оллоҳнинг берганлари билан МАҚТАНМОҚ, Оллоҳнинг бандаларига КИБР-ҲАВО қилмоқ, Оллоҳнинг ахлоқ асосларидан чиқиб ҲАВОЙИ НАФСГА БЕРИЛМОҚ шундай тузоқлар жумласидандир. Дунё ва охирада Оллоҳдан лутф-қарам айлаб АФВ этишини, омонлик ва офият беришини тилаймиз.

Оллоҳ Расули буюрдилар:

—Оллоҳ, КИБР туфайли либосини доғ қилган кимсага назар қилмайди (ёки: либосига доғ туширган кимсани назариб қилмайди).

—Бир вақт бир одам катак қўйлақ кийиб соллана-соллана борарди, қўйлақдан гурурланган эди. Оллоҳ уни ерга тикди. Энди у то қиёматгача ўша ерда типирчилаб туради.

—Ким КИБРЛАНИБ либосини мактаса, Оллоҳ қиёмат куни унга қарамайди.

—Ким ўзида буюклик кўрса ва юганда КИБРЛАНСА, Оллоҳга етишган вақтда уни ғазабланган ҳолда топади.

Абу Бакр Худдали хикоя қилади:

—Бир вақт Ҳасан Басрий билан ўтиргандик. Ибн Адҳам ёнимиздан ўтиб қолди. Жомеънинг султонларга оид қисмига кириш ниятида эди. Устида денгиз қўйи жунидан (терисидан) бир либос бор эди, гердайганча соллана-соллана борарди. Ҳасан Басрий уни кўрданда:

—Ўх, ўх!.. КИБРни қаранг, бурун нақ осмонда! Қовоқлар солиқ, солланиб юришлар бўлакча, ўнгу сўлга виқор билан боқишлар!..—деди. Сўнгра қўшимча қилди:

—Эй ахмоқ, сен елкаларингизда, Оллоҳга шукр қилмай, Уни эсга олмай, Унинг қонунларига амал қилмай топган ва шукри адо этилмаган неъматларингизга қарайсан. Оллоҳ ато этган аъзоларингизнинг ҳар бири Унинг бир неъматидир. Оллоҳга онт ичиб айтаманки, ҳар қандай инсоннинг табиий ҳолда юриши, қўналиби, ўзини бир оз ноқулай ҳис қилиб юриши бундай гердайганча юришдан хайрлироқ.

Ибн Адҳам бу сўзларни эшитди. Орқасига қайтиб келди, Ҳасан Басрийдан уэр сўрамоқчи бўлди. Лекин бу шундай деди:

—Мендан уэр сўрама; Оллоҳга тавба қил. Оллоҳ нима деб буюрганини эшитмаганимсан:

—Ер юзида КИБР-ҲАВО билан юрмагин. Чунки сен (оёқларинг билан) ҳаргиз Ерни ёролмайсан, буй-бастда тоғларга етолмайсан. Буларнинг бари Парвардигорингиз наздида макрўф бўлган гуноҳлардир.

Ибн Умар бир кишининг либоси туфайли КИБРЛАНАТГАНИНИ кўрди ва дедики:

—Ер юзида ҳам шайтоннинг туғишганлари кўп! (Шайтон КИБРИ туфайли Оллоҳнинг раҳматидан маҳрум этилганди)...

Ибн Умар бу сўзни икки ёки уч марта тақдорлади.

Мутарриф ибн Абдуллоҳ Мухаллабни кўрди. Янги ва гўзал хирқа кийиб, гердайганча кетаётган эди. Мутарриф унга қараб деди:

—Эй Оллоҳнинг бандаси, бу қанақа юриш? Бундай юришдан Оллоҳ ҳам, унинг Расули ҳам ғазабланади-ку?!

Мухаллаб:

—Мени танимагансанми?—деганда, Мутарриф шу жавобни берди:

—Ҳа, танийман. Энг олдин ифлос бир МАНИЙ эдинг, кейин янада ифлосроқ ахлат йиғиндиси бўлдинг! Энди бу иккисининг орасида ахлат ташувчи бир ҳаммолсан, бошқа нарса эмассан!

Мухаллаб бу сўзлардан кейин индамай ўтиб кетди, лекин бундан сўнг юрганда ГЕРДАЙМАЙДИГАН бўлди, КИБРУ-ҲАВОНИ тарк этди.

Миразиз АЪЗАМ
таржимаси



Аллақачон айтилган сўз устиди муроасага келиш учун тортишгандан кўра, янги сўз айтган тузук.

Бизнинг ақлимиз ўткир, бироқ изчил эмас, у моҳиятига етиши мумкин бўлганидан кўра кўпроқ нарсани қамраб олади.

Оддий сўзлар билан ифода қилиб бўлмайдиган фикрни миядан чиқариб ташлаш керак, чунки у яроқсиздир.

Аниқлик — чиндан теран фикрнинг энг яхши беағидир.

Ёлгон фикрни аниқ қилиб ифода-ланг, шунда у ўзини-ўзи инкор этади.

Бахтсизлик тушганда энг яхши таянч ақл эмас, мардликдир.

Уруш ҳам ҳатто қулликчалик кўп зиён етказмайди.

Қуллик мардларни шу қадар ерга урадики, улар ўзининг кишанларини

ни яхши кўра бошлайди...

Ёмонликка қарши курашишдан бурун чамалаб кўринг-чи, уни пайдо қилган сабабларни бартараф эта олармикансиз.

ВОВЕНАРГ, ФРАНЦУЗ ФАЙЛАСУФИ

ҚАНОАТ — УМИДЛАНМОҚ САНЪАТИ

Инсон бўлмай туриб, ҳақиқатчи бўлиш мумкин эмас.

Кучли эҳтиролар нақадар жозибадорлигини биз тушунмаймиз. Мудом ташвиш билан банд одамларга ачинамиз, улар эса бизни ташвиш нима-лигини билмаслигимиз учун ёмон кўришади.

Йўл қўйилган хатоларимиз учун ачинганларни биз, одатда, яхши кўрмаймиз.

Фақат майда одамларгина нима-ни ҳурмат қилиш керагу нима севишга арзирли эканини мудом таъкидлашади. Қалби кенг инсонлар эса ўйлаб ўтирмай, ҳурматга лойиқ нарсаларнинг ҳаммасини севишади.

Номусдан сафсата сотиб, боймайсан.

Ўзининг ростгўйлиги учун ҳақ тўлашни талаб қилган киши аксарият ҳолларда ўз шаънини пуллайди.

Аҳмоқ одамлар ақлчиларни ҳеч қачон тушунишмайди.

Манфаати йўлида мушукдай мулоим одамдан кўра шафқатсиз кимса йўқ.

Ғалабаларнинг самарасидан фойдалана билган одам ҳақидагина у ғалаба қозонди, дейиш мумкин.

Аҳмоқлар ўзларини уларга қўшишмаганда, ақлли кишилар ҳақиқатан ёлғизланиб қолишарди.

Бизга аҳмоқларнинг нафрати эмас, балки ақлли кишиларнинг эътиборсизликлари оғир ботади.

Ақл ўзининг кучи билан ортиб боради.

Ажал ҳақидаги фикр хиёнаткор: унга берилиб биз яшашни унутамиз.

Модомики, эҳтиёткорлик бизнинг ҳаётимизни бахтли қила олмас экан, бепарволик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Эҳтирос инсонни фикр юритишга ўргатган.

Кекса кишиларнинг насиҳатлари — қишда чиққан қуёшга ўхшайди: ёритади, бироқ иситмайди.

Одамлар одатда ўзига яқин кишиларни уларга яхшилик қиляпман, деб аксинча кўпроқ азоблашади.

Вақтни қадрлай билмаган киши шуҳрат учун туғилмаган одамдир.

Муҳтожлик — жамият ҳосиласи.

Инсон руҳи, худди унинг қаби, доимий озукасиз яшай олмайди.

Кучдан бенасиблар ҳимоясига оладиган ҳомий қидиради. Одамлардан кўрқиб, бу — қонунларга муҳаббат уйғотадиган асосий манба.

Мевалар ичида энг ширини — шахсий меҳнатимиз мевасидир.

Шуҳратпарастликда айблашларига қарамай, барибир, баъзан шаънингга улғувор сўзлар айтилишига эҳтиёж сезасан киши.

Кишининг ҳаётда мавқеи қанчалик оддий бўлса, қилмишлари ҳам жазосиз қолади, хизматлари эътиборсиз.

Қаноат — умидланмоқ санъати-дир.

Эзгулик қилиб шуҳрат топмоқчи бўлган киши — хизматига яраша ҳақ талаб қиладиган кимса.

Савдо — алдамчилик мактаби.

Кўрқув ва умид одамларни нима-ларга ишонтирмайди.

Ёқиш санъати — бу алдай билиш-дир.

А. ОТАБОЙ таржимаси



Киши бойми, камбағалми, агар унинг омади чопиб, ҳаётда ўз ўрнига тушмаса, ҳеч қачон ҳимматли ва бахтли бўлолмайди.

Рўҳнинг бардамлигини сақлаш учун, танани бардам тутиш зарур.

Одатда бизга ёрдамга муҳтож бўлган кишилардан жуда кам ёрдам тегади.

Буюк ишларни амалга ошира олмайдиган киши буюк режаларга ёт назар билан қарайди.

Ҳаётдаги барча тасодифлар учун бирдай яроқли қоидалар бўлмайди.

Ўзимиз ишонмаган нарсага бошқаларни ишонтира олишга қодирмиз, деган умид билан овуниш аҳмоқликдир.

Йўқ нарса йўндириб айта олмайдиган одамнинг ёлғиз чораси — борини айтиш.

Ўлим қаршисидаги қатъият ёки бўшанглик кишини қабрга қандай дард олиб келганига боғлиқ.

Оламда ган кўн

ХУДДИ ТҶҲА БОРГАНДЕК

Швейцариялик Грета Ладлэнд хоним Маттерхорн тоғидаги 4482 метрлик чўққини баланд пошнали туфли ва базмларга кийиладиган кечки кўйлақда забт этди. «Менга алпинистларнинг кўпол ва оғир кийимлари ёқмайди, — дейди Грета. — Шунинг учун енгил ва чиройли кийимларда ҳам тоғларга чиқиш мумкинлигини исботламоқчи бўлдим».

Бир кун ТАРСАКИ

Бекатда одам кўп. Ҳамма ўзига керакли автобусни кутаяпти. 10-12 ёшлардаги қизалоқ ёнидаги аёлга қараб:

— Ойи, манави дўконда чиройли шарлар бор экан, укамга биттани олайлик, — деди шу ердаги тижорат дўконини кўрсатиб.

— Овозингни ўчир, — деди аёл кўрслик билан.

— Укам роса хурсанд бўлади-да...

Қизалоқ гапини тугатар-туғатмас, юзига келиб тушган шапалоқ зарбидан эсанкираб қолди. Лекин у йиғламади, бунақа тарсакиларга ўрганиб кетган шекилли, дарров қизариб чиққан юзини ушлаганча ерга қараб тураверди. Мен эса, худди шапалоқ менинг юзимга теккандек, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Ҳаёлимдан «ўз фарзандини уришга одамларнинг қандай кўли бораркан-а?», деган фикр ўтди. Бекатдаги бир отахон аёлга: «Қизим, болани урманг, ахир буларнинг кўнгли нозик бўлади-я», деган эди, балого қолди. Аёл унга бобиллаб берди:

— Насиҳатни ўзингизнинг болаларингизга қиларсиз, бобой. Менинг қизим, хоҳласам сўкаман, истасам ураман...

Бу жоҳил она (агар у шу номга муносиб бўлса!) шу кунги уч кишининг юзига тарсаки тортиб, дилига жароҳат етказди.

Соҳиба ҚОСИМОВА,
ТошДУ халқаро журналис-
тика факултетининг 5-курс
талабаси.

Четдан қараганда унчалик сезилмаслиги мумкин, лекин ўт ўчирувчилик қалтис, мураккаб ва масъулиятли касблардан бири. Шунинг учун бўлса керак, ҳаммадан ҳам ўт ўчирувчи чиқавермайди.

Одатда ўт ўчирувчиларнинг иши аввалги йиллар билан таққосланганда янада ойдинроқ кўзга ташланади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, шу йилнинг биринчи ярим йили яхши ўтди, дейиш мумкин. 1995 йилнинг биринчи ярмида ёнғинлар со-ни 521 тага етган бўлса, бу йилнинг олти ойи оралигида 490 тани ташкил қилди. Табиийки, бу нарсa ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Вилоятимизнинг барча ҳудудларида тинимсиз тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бордик. 5823 та корхона, муассаса, ташкилот, кичик ва қўшма корхона, 42 мингдан ортиқ хонадоннинг ёнғин хавфсизлигини батафсил текшириб чиқдик. Ўтказилган текширишлар жараёнида 1143 та корхона, омбор, дўконнинг фаолияти вақтинчалик, яъни ёнғинга қарши камчиликлар бартараф этилунига қадар тўхтатиб қўйилди. 4700 жойда электр асбоб-ускуналари, агрегатлари, иситиш асбобларидан фойдаланиш но-тўғри олиб борилаётгани учун уларнинг фаолияти таъқиқланди. Ёнғинга қарши қоида ва талабларни қўпол равишда бузган 3663 нафар раҳбар, жавобгар шахс ҳамда фуқароларга нисбатан маъмурий тартибда чора кўрилди.

Халқимизда «ўғри келса кўтарганича, ёнғин келса борица», деган мақол бор. Ёнғин деганлари шундай бир офатки, у қаерга дориса, ўша ердан бир йўла кут-баракани кўтарди, кўнгилларни қора қилади. 1-31 июлда ўт-казилган ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида барча ходимларимиз ҳалол, виждонан иш олиб боришди. Ана шунинг самараси ўлароқ, июл жиддий та-лофатларсиз кечди. Ана шу ой давомида галла ўрим-йғимини билан боғлиқ бўлган биронта ҳам ёнғин рўй бермади. Ой давомида ўт ўчирувчиларимиз дам олиш кўнралисиз ишлашди.

Ўт балонгдан сақла, деган гап ҳам бекорга айтилмаган. Аммо ўт балосидан сақланиш ўрнига, унга яқинлашаётган, уни келтириб чиқаришга қасд

қиладиганларга нима дейсиз? Мен бу ўринда қасддан ўт қўйиш ҳолларини айтмоқчиман. Афсуски, шундай кўнгилсиз ҳоллар бор. Вилоятда ўтган йилнинг олти ойи ичида икки марта қасддан ўт қўйиш юз берган бўлса, бу йилнинг олти ойи мобайнида етти та ана шундай ҳол содир бўлди. Бизнинг кузатиш ва таҳлилларимизга қараганда, қасддан ўт қўйиш асосан оилавий жанжаллар оқибатида бўлаётир. Масалан, суви тинимай юрган эр-хотинлардан бири кунлар-

қоровул ё бўлади, ё бўлмайди. Агар қоровул бўлса, ва уйгоқ бўлса яхши. Агар кечанинг алламаҳалида ёнғин чиқса, қоровул тош қотиб, ғафлат уйқусида ётса, унда нима бўлади! Борингки, қоровул ёнғинни сезиб қолди ҳам дейлик, шунда у ўтни ўзича челақлаб сув ташиб ўчиришга киришиб кетади. Аммо ёнғинни челақлаб сув ташиб ўчириб бўлмаслиги ҳақидаги фикр хаёлига келгунча олов катта ҳудудга «эгалик» қилиб олган бўлади. Ақли етгач эса телефонга югуради, агар ўша идорада телефон ишлаб турган бўлса яхши, ишламаётган бўлса унда бошқа томонга чопади. Бу орада эса ёнғин янада кучайган бўлади. Бизга гоҳо ёнғин ҳақида машинада келиб хабар қилишади. Шу ўринда бир нарсани айтмоқчи-ман: агар «01»га хабар қилишса, биз атиги бир

«БИЗНИ КУТИЛМАГАНДА ЧАҚИРИШАДИ»

нинг бирида иккинчисидан боғлаб ўч олиш, ўзининг ҳуморини босиш учун ўзига ёки ҳовли-жойига ўт қўйиб юборади. Минг афсуски, бундай «жанг»да голиблар бўлмайди. Ғам-ғусса, талофат, жисмоний ва моддий йўқотишлар ўртада те-нги бўлинади... Масалан, шу йилнинг июл ойида Денов шаҳрида ана шундай во-қеа содир бўлди. Эр-хотин ўртасида кўп-дан бери жанжал-низо бор экан. Охи-роқибат бу жанжал қайгули тугади. Кун-ларнинг бирида эр тўйиб ичади ва сўн-гра ўйлаб юрган мақсади сари дадил ҳаракат қилади. Кечанинг бир маҳали-да қаердандир бир шиша бензин олиб келиб уйига сепади ва гугуртни қақиб юборади. Маст эр ўзини бошқаролмай қолади — олов вужудига ҳам тармаша-ди. Бу ҳолни қўшниси кўриб қолади ва ёрдамга шошади. Оиладаги болаларга зарар етади, катта моддий талофат со-дир бўлади. Шундан сўнг эр касалхона-га тушади ва ўн кундан кейин ўша ерда бандаликни бажо келтиради...

... Баъзан ёнғинларнинг микёси кен-гайиб кетса, талофат катта бўлса, биз-ни айблашган ҳоллари ҳам бўлади. Гап шундаки, бизга хабар кеч келади. Айниқ-са, тунинг бир маҳалида катта иншоот-да, корхонада ёки борингки, ҳовлида ён-ғин чиқадиган бўлса, ўша ердагилар ан-ча саросимага тушиб қоладилар. Маса-лан, корхона, ташкилотда ўша маҳалда

минут ичида турган ҳудудимиздан шошқинлик чиқиб кетамиз. Минутига бир ярим километрдан йўл босиб манзилга етиб борамиз. Қолган гап энди масо-фага боғлиқ. Баъзан бизга шундай те-лефон қилишади: «Тез келингизлар! Ён-ғин бўлаяпти! Ёнғин!» Ва дарҳол тру-бакани қўйишади. Ёнғин бўлаётган жойи-ни на манзилни ва на ёнаётган нарсани айтишади. Шошганда лаббай топил-мас, деганлари шу-да, киши эсанқираб қолса, айтар гапини чала қилади. Шун-дай ҳолларда ҳам биз барибир йўлга чиқамиз. Ташқи аломатларга қараб ён-ғин бўлаётган жойни чамалаймиз. Бу эн-ди сезишга боғлиқ ҳолат.

Афсуски, ўт ўчирувчилар билан «ҳа-зил» қиладиганлар ҳам бўлади. Аслида бўлмаётган ёнғин ҳақида ҳар йили биз-га юз мартадан ортиқ кўнгироклар бў-лади. Ишонасизми, ана шу ёлгон қақи-риқлар учун ҳам техникамиз икки юз мартагача йўлга чиқади ва анча овора-гарчиликлар юз беради. Баъзан бирон корхонада ёнғин бўлаяпти, деб кимдир кўнғироқ қилса, 4-5 тагача машина йўл-га чиқади. Бунинг учун қанча ёқилғи, ма-шина қуввати, энг муҳими — ўт ўчирув-чиларнинг асаби сарфланишини била-сизми! Агар Худо кўрсатмасин, бизнинг ўт ўчирувчиларимиз ёлгон қақирик бўл-ган томонга кетаётган бир пайтда бош-қа бир ерда ҳақиқатан ҳам катта ёнғин

Оламда ган кўп

«МАЗАЛИ-Ё, МАЗАЛИ-Ё, МАЗАЛИ...»

Австриянинг Залцбург шаҳридаги экспресс-ресторанлардан бирига кирган 53 ёшли киши жамоат тартибини бузганлиқда айбланиб полиция томонидан ушлан-ди. Унинг бордан-йўқ айби ресторанга киргач, чўнтаги-даги халтачадан тирик сува-ракларни олиб ея бошлаган-лиги бўлди.

чиқкан бўлса қандай бўлади? Бу тало-фат учун ким жавоб беради?!

Баъзида мендан «сиз ҳеч ноли-майсиз, ташкилотингизнинг ташвиш-муаммоси йўқми?» дея сўрашади. Ўт ўчирувчиларнинг қийналаётган жойлари, ўзларига яраша етишмовчиликлари, камчиликлари ҳам бор. Зеро, давр қийинчиликлари уларга ҳам ҳосдир. Ле-кин адолат юзасидан айтишимиз керак: имтиёзларимиз яхши, ойлик маошлари-мизни ўз вақтида олиб турамыз, кийим-бош, ёқилғи-мойлов материаллари би-лан таъминлаб туришади. Газ, сув, те-лефон алоқаси масаласида бизда етиш-мовчилик йўқ. Лекин, тўғри, эҳтиёт қи-сmalar, асбоб-ускуналар аввалгидек кўп эмас. Аммо биз қараб ёки кутиб турга-нимиз йўқ — борини аяб, эҳтиётлаб, те-жаб-тергаб ишлатаймиз.

Ишимиз қанчалик шарафли, эътибор-ли бўлмасин, имтиёзларимиз, маошла-римиз қанчалик яхши бўлмасин, бари-бир, «Яратгандан ҳаммиша бир нарсани сўраб яшаймиз: Ҳеч кимнинг хонадони-га ўт тушмасин, ҳеч кимнинг қисмати оловга рубарў бўлмасин!»

Норпўлат САФАРОВ,
Сурхондарё вилоят ички ишлар
бошқармаси ёнғиндан сақлаш бўли-
ми бошлиғи вазифасини бажарувчи,
ички хизмат майори

«Меҳрибонлик уйи»дан хатлар

ЖАРОҲАТЛИ ҚАЛБЛАР НИДОСИ

(БИРИНЧИ ХАТ)

Бугун биз қорақалпоғистонлик мурғак, норасида қалблардан таҳририятимизга келган хатларни сиз азиз муштарийлар ҳукмига ҳавола этишга жазм қилдик. Бу хатларнинг муаллифлари республика маркази яқинидаги «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланмоқдалар. Айрим мулоҳазаларга кўра, уларнинг исму ша-рифларини ўзгартириб бераёғлими. Ота-оналарнинг масъулият-сизлиги, бепарволиги, ўзларининг бир кунлик орзу-ҳаваслари-ни болалари келажагидан устун қўйганликлари туфайли жаро-ҳатланган қалблар нидосига сиз ҳам бир қулоқ тутинг-а!...

— Оламда мен каби бахтиқор қиз бўлмаса керак, — деб ёзади Гулжаҳон Туропова. — Беш нафар укаларим билан ота-онамиз бағрида яшардик. Да-

дамиз бизга ва онамизга бирор марта бўлсин овозларини баландатиб гапир-ган эмаслар. Укаларим ва менга жуда раҳмдил киши. Онам эса умуман бош-қача. Уришқоқ, тили заҳар, тегмасангиз ҳам тепиб ўтадиган хилидан. Ниҳоятда манман, ўзбилармон, бемехр. Одам ўз она-си ҳақида ҳам шунақа сўзларни ёзиши мум-кинми, деб ҳайрон бў-лаётгандирсиз? Нима қилайки, ҳақиқат шу қадар аччиқ бўлса. Охириги пайтларда онамиз тез-тез дада-миз билан жанжалла-шадиган, у кишини биз болалари ва кў-ни-қўшнилари олдида номусга тегадиган уят сўзлар билан ҳақорат-лайдиган одат чиқар-

ди. Дадамиз бизларнинг онасиз қоли-шимизни истамганиданми, умуман, онамизнинг юзига тикланиб қарамас, сўзларига ҳам эътибор бермас эдилар. Эсимда, онам уйда йўқ пайти дада-минг Раҳмонли деган дўсти бизникига меҳмон бўлиб келди. Дадам унинг ол-дига қўйиш учун уйдан на бир қанд-курс, на мева-чева топди. Шундай бўл-са-да, бизларни қўшниларникига чақи-риб дастурхон учун зарур нарсалар ол-дирди. Овқат қилиш учун гўшт топа ол-магач (гарчи бу нарсалар уйимизда бўлсада, қулфнинг қалити фақат онам-да сақланарди) битта хўрозни сўйиб ош дамладилар. Эндигина овқатга ўтирга-нимизда онам кириб келди. У хатто меҳмон билан сўрашмасдан ҳам дадам билан уриша кетди. Дадам дўстининг олдида қаттиқ изза бўлди. Раҳмонли ака чиқиб кетгач, дадам жавраётган онамнинг юзига шапалоқ тортиб юбор-ди. Шу баҳона бўлди-ю, онам уйдан кетиб қолди. Орадан бир неча кун ўт-гач қайтиб келиб: «Мен бизнесмен бўл-моқчиман. Ҳамма кўшни аёллар Рос-сия, Хитой ва Амирликларга қатнаб пул топишяпти. Мен ҳам уларга қўшили-ман», деди. Дадам уни бу йўлдан қайта-ришга қанчалик уринмасин, барибир, бефойда бўлди. Онам ўз билганидан қолмай савдогарчилик қилгани отлан-ди. Дастлабки кунлари уйга анча-мун-ча майда-чуйдалар, латта-путталар олиб келиб сотди. Аста-секин бир ҳаф-та, ўн кунда, кейинчалик эса бир неча ойда уйга бир келадиган бўлди. Бун-

дай пайтларда укаларим дадамга «Она-мизни топиб беринг, энди келсалар ҳеч қаерга юборманг», деб ялинардилар. Онам эса ҳар келганларида бизларни турли хил ширинликлар ва пул бериб юпатар, эртаси кун эса яна йўлга от-ланарди. Дадам бечоранинг ишга, ундан уйга қонишлари, овқат тайёрлаш, кир ювиш, супуриб-сидиришлари, ҳа-ттоки нон ёнганлари ҳали-ҳали қўз ўн-гимдан кетмайдилар.

Бир сафар орадан тўрт-беш ой ўт-сада, бизнесмен онамиз уйга кел-май қўйди. Суриштирсак, бир бадав-лат кишига иккинчи хотин бўлиб те-гиб олибди. Билмадим, мен ва ука-ларим энди бу аёлни она деб айтол-масак керак. Сабаби, юрагимизни унга нисбатан совуқлик, муз қопла-ган. Хаммамиздан ҳам кичик укам, икки яшар Ғофиржонга қийин бўлди. У ҳар кун «онамни топиб беринг-лар», деб хархаша қилади. Бир кун унга, қандай тилим борди бил-майман, «онамиз ўлган», дедим. Бу азобларга бардош бера олмаган да-дамиз ҳам фалаж бўлиб қолдилар. Қўни-қўшнилари бизни «Меҳрибонлик уйи»га топширишди. Бу йил еттинчи синфга ўтдим. Омон бўлсак, ҳали бир кун онам билан ҳам қўришиб қола-римиз. Яқинда ўқитувчимиз келажақ ор-зуларимиз ҳақида ёзма иш олдилар. Мен «Бизларни шу кўйга солган онамнинг башарасига тупуриш ва да-дамни яна соғ-саломат кўриш», деб ёздим...

ОШДАН ТОШ ЧИКДИ

53-поезд билан «сайру саёҳат» умида келаётган марилик Р. исмли шахс эмалланган кастролкадаги овқатни энди танавул қилмоқчи бўлганида тўсатдан... Йўқ, йўқ, ҳарқалай ичига пашша тушмади. Аммо қошиғига илиниб 82 грамм гашиш моддаси чиқиб қолгани рост.

«ПЕПСИ-КОЛА» ДАГИ ШАЙТОН

Худди шу поездда сафарга отланган чоржуйлик О. исмли фуқаро чанқовбосдиға яраб деган мақсадда 1,5 литрлик «Пепси кола» ичимлигини ўзи билан олганди. Бироқ бу елим идишининг ичидан 950 грамм марижуана ва 120 грамм гашиш гиёҳванд моддалари чиққан, йигитни қора тер босди.

«БЕТОН» ОДАМ

Бухоро-1 шохбекатидан икки тоннаю 250 кг цементни ўмараётган қонглик Б. исмли шахс нақлиёт ички

ишлар ходимларини кўриб, бир зумда ҳаяжон-у кўркувга қоришиб, бетондай қотди, қолди.

КОРА НИЯТЛИ МЕХМОНЛАР

Нукус-Тошкент поездда кетаётган С. ва Р. исмли Эрон фуқаролари шубҳа билан кўлга олинди. Афсуски, қора жомадон ичидан топилган 1350 грамм қорадори меҳмонларнинг қора ниятларини фош қилди, кўйди.

КИНГИР ИШ

54-поездда кетаётган А. исмли аёлнинг 3 миллион 800 минг рубль ва 500 АҚШ долларини усталик билан ўмаришган йигитчалар Бухоро-1 шохбекатида қопконга илинишди. Кингир иш барибир ўзини фош этиб кўяди-да.

«БЎЁҚЧИЛАР»

Қ. ва С. исмли қадрдон шериклар Навоий шохбекатидаги «Фурқат» фирмасига тунда ташриф буюриб, 8492 сўмлик пол бўёғини «шумо» қилмоқчи

Панжара

бўлдилар. Бу азамат бўёқчилар энди уйининг полини бўйидими ёки қамокхона панжарасиними, шуниси бизга қоронғу.

Қаҳҳор САТТОРОВ,

Бухоро-1 нақлиёт тармоқ ички ишлар бўлими жиноятчилиқнинг олдини олиш бўлинмасининг бошлиғи, милиция капитани

НАСИБ ҚИЛМАГАН ЎЛЖА

Бандихон туманидаги «Пахтакор» жамоа ҳўжалиги бригадири Э.Олтиев Қумкўрғон туманидаги С.Бойматов номли жамоа ҳўжалигида яшовчи Т.Бўроновга ҳўжаликка тегишли бир тонна бугдойни 12 минг 500 сўмга наҳд пуллаётган пайтда кўлга тушди.

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ,
Сурхондарё вилояти

Дераза**«АКУЛА»НИНГ «ЎЛИМИ»**

Россиянинг машҳур ва бақувват йигирма банкидан бири «Тверуниверсалбанк» ўз фаолиятини тўхтатди. 136 минг омонатчи, банкнинг акцияларига эга бўлган 21 минг жисмоний ва 576 ҳуқуқий шахслар «икки қўлини бурнига тикиб» қолаверишди.

ТЕМИР ЙЎЛ ҲИБСДА

«Узоқ Шарқ темир йўллари»га қарашли мулк, аниқроғи, темир йўллар Хабаровск ўлкаси солиқ инспекцияси ва полицияси томонидан ҳибсга олинди. Сабаби, бу ташкилот маҳаллий ва федерал бюджетларга солиқларни ўз вақтида тўламапти. Унинг қарзи жарималар билан қўшиб ҳисоблаганда 458 миллиард рублдан ошиб кетган.

РАҚАМЛАРДА**ОЛИМПИАДА АКСИ**

Атланта шахрида бўлиб ўтган Олимпиада ўйинлари кунлари 2200 автобус, 500 та телекамера, 6000 компьютер, 120 тиббий ёрдам пунктлари спортчилар, журналистлар ва бошқа расмий делегация аъзолари хизматида бўлди. Шунга қарамай, кўпчилик Олимпиада ўйинларининг ташкилий томонларига паст баҳо бермоқда.

КЎПНИ КЎРГАН КАМПИР

Львов вилоятидаги Пукив қишлоғида истикомат қилувчи етмиш яшар Анна холанинг уйига ярим кечаси учта барзанги бостириб кирди ва ўлимлигига атаб йиғиб қўйганини чиқариб бермаса, иши чатоқ бўлишини айтишди. Бечора кампир инқиллай-синқиллай кроватнинг тағига эмаклаб кириб кетди ва... у ердан милтиқ ўқталиб чиқди. Воқеанинг бундай тус олишини кутмаган босқинчилар жуфтаникни ростлаб қолишди.

ЧАНГИНИ ҲАМ УВОЛ ҚИЛМАЙ

Англиянинг Уорчестер шахридаги тарих музейида пул ишлашнинг кўз кўриб қулоқ эшитмаган усулини топишди. Бу ерда музей ашёларига ўтириб қолган асрий чанглари авайлаб йиғиб олиб, кичкина халтачаларга жойлашяпти. Эсдалик сифатида музей чангини сотиб олишга ишқибозлар бу қадар кўп бўлади, деб ўйлашмаган эди. Шу вақтгача эътибордан четда ётган чанг катта даромад манбаига айланиб қолди.

ЭНГ ЁШ КОСМОНАВТ

Инсоният тарихидаги иккинчи космонавт-учувчи, 1961 йилнинг 6 августидан самога парвоз қилган Герман Титов энг ёш космонавт сифатида «Гиннеснинг рекордлар китоби»га киритилган. У космосга парвоз қилган пайтида 26 ёшда эди.

ВОЛГОГРАДДАГИ ДАВОМЛИ ТЕРРОР

Кейинги пайтларда Астрахан-Волгоград поезди террор объектига айланиб қолди. Ўтган ҳафта ана шу поезд вагонларидан бирида яна портлаш юзи берди. Оқибатда бир неча киши оғир тан жароҳати олиб реанимацияга ётқизилди.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

(День независимости)

Фантастик филм

Режиссёр — Роланд Эмерих

Ролларда — Жефф Голдблум, Билл Пулман.

1996 йил. «XX аср Фокс»

Холливудда кам маблағ ишлатиб суратга олинган филмлар билан таққосланганда «Мустақиллик куни» номли бу киноасар кескин фарқ қилади. Чунки ушбу кинолента учун сарфланган маблағ 70 миллион долларни ташкил этди. Америкада бундай асар яқин орада экранлаштирилмаганди.

Ерга ўзга сайёраликлар ҳужум қилишади. Ер юзидаги жами мамлакатларнинг қурол-яроғлари ўзга олам технологияси олдида оқиб ва кучсиз бўлиб қолади.

Бироқ шундай кун келадими, бу кунда барча ерликларнинг кучлари бирлашади...

Филмда жамиятнинг барча поғоналаридан лавҳалар кўрсатилади. АҚШ президенти ва қаҳвахона раққосаси, ЦРУ бошлиғи-ю, собиқ учувчи, олимлар-у болалар, шунингдек, ҳарбийлар ва бошқа ҳамма-ҳамма Ерни бегоналарга бермаслик, уни сақлаб қолиш учун оғир дамба елкама-елка туриб курашадилар...

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, «Мустақиллик куни» номли бу ажойиб филм бир ҳафтада 36 миллион доллар йиғиб, июл ойининг биринчи ярмидаёқ энг сердаромад кинолар ҳисобланмиш «Түфон», «Қоя», «Жуманжи» кабиларни ортда қолдирди.

КЎПЧИЛИК

(Множество)

Фантастика аралаш комедия

Режиссёр — Харолд Рэмис

Ролларда — Майкл Китон, Энди Макдауэлл

1996 йил. «Коламбия пикчерс»

Инсон ҳаётида шундай вақтлар ҳам бўладики, ишга берилиб кетиб, оиласи ва ўзи ҳақида ўйлашга вақти топилмади. Бундай ҳолатда кўпинча оилавий муаммолар бошланиши эҳтимол бор. Ҳўш, шу эҳтимол ҳақиқат бўлса-чи?

Филмда ана шундай шароитдан кутулиш керак. Унинг бирон чорасини топиш лозим деган гоя илгари сурилади. Асар қаҳрамонининг муаммони ечиш йўлидаги ҳаракатлари, яъни ўзига қиёфадорлар яратмоқчи бўлгани ва бу қиёфадорлар гўё унинг ишларини қилиши кераклиги филмда фантастика услубида сувратга олинган. Филмни томошабин қизиқishi билан томоша қилади.

ЎСМИР ИНДИАНА**ЖОНС: ОТА — ЎГИЛ САЁҲАТИ**

(Молодой Индиана Джонс: Путешествия с отцом)


Саргузашт филм

Режиссёр — Майкл Шульц

Ролларда — Шон Патрик Фланери, Майкл Гафф.

1996 йил. «Парамаунт».

Индиана Жонс ҳақидаги трилогиянинг (гап С. Спилберг суратга олган уч филм ҳақида кетаяпти) тақдири қизиқарли кечди, чунки филмдан филмга ўтган сари асар қаҳрамонининг ҳаёти, унинг ҳаракатлари бизни

ВИДЕО ОДАМИДА

ўзига жалб этаверарди. Уччала филм ҳам моҳирона экранлаштирилган.

Ушбу «Ўсмир Индиана Жонс: Ота — ўғил саёҳати» номли филмни гарчи Стивен Спилберг суратга олман бўлса-да, киноасар қаҳрамонларининг гаройиб саргузаштлари ҳеч бир томошабинни бефарқ қолдирмади. Айниқса, Индиана ҳаётининг ўсмирлик йиллари ҳақидаги лавҳалар жуда қизиқарли экранлаштирилган.

Россия ва Юнонистон бўйлаб саёҳатлар, гаройиб учрашувлар, ажойиб

юмор ва бошқа воқеалар Индиана Жонс билан учрашуви анчадан бери соғинган мухлисларга маъқул бўлишига шубҳа йўқ.

РУС ГЎЗАЛИ БИЛАН ЕТТИ КУН

(Сем дней с русской красавицей)

Комедия

Режиссёрлар — Георгий Делиев, Юрий Володарский

Ролларда — С. Фарада, Л. Ярмолик, Г. Делиев, «Маски шоу» гурухи

1996 йил. Россия

Асар бош қаҳрамони «бизнесмен» Фуричининг (Г. Делиев) айёрлиги ва бошқа қизиқарли воқеалар, шунингдек машҳур «Маски шоу» комик гурухи, ҳамда одессалик Жен-телмен клуби йигитларининг иштироки бутун филм давомида томошабинни кулдиради десак янглишмаймиз.

Америкалик ҳамкасбасини алдаш ва уч миллион «кўкидан» ишлаш мақсадида Фурич беш чет эллик фуқарога Россия бўйлаб саёҳат уюштироқчи бўлади...

Филмда ҳамма нарсаси бор — соф юмор ҳам, бой фантазия ҳам, машҳур филмларга пародия ҳам. Кинофилмни чин дилдан кулиб томоша қилишингизга ишонамиз.

ОЛТИН КЎЗ

(Золотой глаз)

Жангари филм

Режиссёр — Мартин Кэмибелл

Ролларда — Пирс Броснан, Шон Бин.

1996 йил. «Метро — Голдвин — Майер»

Бу асар инглиз супер айқоқчиси 007 — Жеймс Бонднинг саргузаштларини севувчи барча кино мухлислари учун кўпдан буён қутилган филмдир.

Киноасардаги ажойиб ҳодисалар, бошни айлантирувчи трюклар ва қизиқарли саргузаштлар сизни экрандан кўз узмасдан томоша қилишга ундайди.

Тасаввур қилинг — қайси филмда Петербург кўчалари бўйлаб танк автомобил ортидан қувиб, йўлида дуч келган нарсани вайрон этганини кўргансиз? Бунақасини кўрмаган бўлсангиз «Олтин кўз» киноасарини кўринг.

Бу қизиқарли филм сизга завқ бахш этади.


Видеотасмаларга ёзилган

янги филмлар билан қизиқувчилар қўидаги телефонларга кўнғироқ қилишлари мумкин:

77-13-44, 77-67-12.

«СИФАТИГА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ»

Сухбатдошимиз: «Бешёғоч» фирмаси президенти Баҳодир Каримов. 1963 йилда Тошкентда туғилган. Тошкент давлат иқтисодий университетда таҳсил олган ва уни 1989 йилда битирган. Уйланган, икки фарзанднинг отаси.



— Баҳодир ака, фирманинг бугунги фаолияти ҳақида

фатли озиқ-овқатларни келтираямиз.

— Билишимизча, фақат чет эллардан маҳсулот келтириш билан чекланиб қолмаётган экансизлар?

— Умуман, расталаримиздаги озиқ-овқатларнинг 95 фоизини импорт маҳсулотлари ташкил этади. Лекин биз ўз ишлаб чиқариш тармоғимизни ташкил этишни бошлаб юборганмиз. Масалан, иккита цехни ишга туширганмиз, уларнинг бири макарон ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, ойига 20 тонна ана шу маҳсулот тайёрланмоқда. Цех тўла қувват билан ишлай бошлаган, бу кўрсаткич 70—80 тоннага етади. Иккинчи цехимиз эса ойига 40-50 тонна гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозир Голландиянинг «Макс» фирмаси билан ҳамкорликда помидорни қайта ишлаш заводини қуришни бошлаб юборганмиз.

— Фирма ишчи-хизматчиларига яратилётган шароитлар қандай?

— Айни пайтда фирмамизда 150 киши ишлайди. 1993 йилда, яъни фирмамиз ташкил этилганда бор-йўғи 18 киши ишларди. Ходим-

ларимизнинг ойлиги ҳам ёмон эмас. Жумладан, 3-даражали сотувчиларимиз тўрт минг сўмдан ошикроқ маош олишади.

— Келгуси режаларингиз қандай?

— Халқимизга юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини қўллаб етказиб бериш мақсадида транспорт бўлими ташкил этмоқчимиз. Қолаверса, Ойбек метроси яқинида «Макдональдс» кафе-сини қуришни бошладик. Уни келаси йил Наврўз байрами кунлари ишга тушириш ниятидамиз.

— Сухбатингиз учун раҳмат.

Ҳамид С У ЛАЙМОН
сухбатлашди.



қисқача сўзлаб берсангиз?

— Айни пайтда Тошкент шаҳрида озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланадиган олти дўконимиз ишлаб турибди. Бундан ташқари техника марказимиз ҳам бор. У ерда компьютерлар ва мини АТСлар савдосини йўлга қўйганмиз.

— Қайси мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйгансизлар?

— Асосан, ўн бешдан ортиқ Европа давлатларидаги, шунингдек АҚШ ва Япониядаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фирмалар билан мустақкам алоқа боғлаганмиз. Жумладан, Голандиядан бир неча турдаги пишлоқлар, колбаса маҳсулотлари, Польша, Юнонистон ва бошқа мамлакатлардан ҳам юқори си-

ШАБРИКЛАЙМИЗ!



Қадрли падаримиз Қодир ота РАСУЛОВ! Сизни муборак 80 ёшингиз, азиз онажонимиз Норхон она СИДДИҚОВА! Сизни муборак 70 ёшингиз билан чин юракдан қутлаймиз. Сизларга оилавий бахт, боқий умр, сиҳат-саломатлик, бардамлик тилаймиз. Оиламиз, фарзанд ва неваралар бахтига доимо омон булинглар. Яна узоқ-узоқ йиллар қўша қариб қолишингизни Оллоҳдан тилаймиз.

Самимий эҳтиром билан, оила аъзоларингиз номидан ўғлингиз ИЛҲОМЖОН. Тошкент шаҳри.



Меҳрибон ОНАЖОН, азиз ОТАЖОН!

Сизларни қутлуг таваллуд кунларингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Бахтимизга доим омон булинг. Оллоҳ сизларга мададкор бўлсин,

деб сизнинг
ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ.

Тошкент — Навоий.

Қадрли ЗОКИР ака!

Қаторида норим бор деб

суюндим,

Акам! Сизга бир чинордек

суяндим.

Акажон! Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

Оллоҳ қалбингиздаги барча ниятларингизни рўёбга чиқарсин. Ҳамиша дилларингиз хушнуд бў-

либ, янгам билан қўша қариб, фарзандларингизнинг роҳатини куриб юринглар.

Эҳтиром билан синглингиз
БАСИРА.

Жажжигинамиз НИГОРАХОН!

Таваллуд айёминг муборак бўлсин. Онажонинг Шохидахон ва адажонинг Юнусхонларнинг кўзларини қувнатиб, ёшингга ёш қўшилаверсин.

Эҳтиром билан сени севган хо-
ланг

ЗАРИФА.

Азиз акамиз Қодирберди
ҚУРВОНВОЙ ўгли!

Сизни табаррук 60 ёшингиз билан чин қалбдан қутлаймиз. Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр қуришни Оллоҳдан



тилаб қоламиз.

Укангиз ЭГАМБЕРДИ, келинингиз ХАЛИМА

Тошкент шаҳри

Муборакхон ая МАЪДАЛИХОН қизини 80 ёшлари, Ниязжон ИКРОМОВНИ 50 ёшлари билан самимий ва қизгин қутлаймиз. Тан сиҳатлик, узоқ умр, хонадонларидан файз, қут-барака аримаслигини тилаб қоламиз.

«Матбуот тарқатиш уюшмаси» номли ассоциация.

Ўрнатили синглим Ўлмасхон ЭГАМБЕРДИЕВА!

Сизни таваллуд кунингизнинг 50 йиллиги билан чин дилдан табриклайман. Сизга мустақкам соғлик, узоқ умр тилайман. Барча орзу-умидларингиз рўёбга чиқишида Оллоҳ мададкор бўлсин. Болаларингизнинг бахтига доимо соғ бўлинг.

МАҲСУМА.

ОИЛА

44 ЁШДА

Тошкентдан, турмушдан ажрашган, огир-вазмин йигит. ҳовли-жойи бор. Уйим-жойим дейдиган, рўзгор юритишга эп-ли жувон (битта фарзанди бўлса ҳам майли) билан танишиб турмуш қуриш ниятида.

«ОИЛА—454» мактубларингизни кутади.

Маълумот учун: Либерия Африканинг гарбида жойлашган давлат бўлиб, майдони 111,4 минг квадрат километр, аҳолиси икки миллион атрофида. Инглиз тили давлат тили ҳисобланади, миллий пул бирлигига эга эмас, мамлакатда АКШ доллари муомала воситаси сифатида юритилади. Аҳолисининг 7 фоизи насронийлар, 3 фоизи мусулмонлар, қолганлари эса маҳаллий динларга эътиқод қилувчилардир. Сўнгги йиллардаги фуқаролар уруши мамлакатни хонавайрон қилди. Либерия фахрланиши мумкин бўлган энг сўнгги бойлик ЖОРЖ ВЕА.

29 ёшли Жорж Веа икки китабдаги миллионлаб футбол ишқибозларининг кўнглини забт этган футболчи. Африканинг энг яхши

футболчиси ҳисобланмиш Жорж 1995 йили якунига кўра Европанинг энг яхши футболчиси деб тан олинди ва «Олтин тўп» совринини кўлга киритди. Ушбу совриннинг 40 йиллик тарихи давомида у биринчи марта европалик футболчига эмас, балки келгинди, Африкадаги кўпчилик номини ҳам эшитмаган бир мамлакатдан келиб, Италиянинг «Милан» клубида тўп сураётган футболчига назиб этди.

Жорж бувиси Эмманнинг кўлида катта бўлган, негаки тез-тез сафарларда юрувчи ота-онасининг унинг тарбияси билан шуғулланишга вақтлари йўқ эди. «Бир куни тушимда фаришта келиб, «бу бола Яратгувчининг сизларга берган мукофоти, у улгайиб футболчи бўлади ва сизларни боқадди», деди», - деб ҳикоя қилади 80 ёшли Эмма Браун. Бу гапнинг қанчаллик рост ёки ёлгонлиги бизга қоронғу, лекин Жорж болалигидан футболга қизиқди. Энг сеvimли машғулоти ўртоқлари билан кўча чангитиб тўп тепиш эди. Бувисининг қўллаб-қувватлаши, кўмаги туфайли у олдинги Либерия биринчилигининг учинчи дивизионда қатнашувчи «Янг сервайверз» клубида, сўнг биринчи дивизиондаги вилоят командаларидан бирида тўп сурди. Омади бор экан, 18 ёшида мамлакатда «11 энгилмаслар»

номи билан машҳур бўлган «Инвинсибл илвен» клуби мураббийларининг назарига тушди. Айниқса, бош мураббий Фернандо Ситоли унинг келажаги порлоқлигини ҳис қиларди ва у билан қора терга ботғунича машғулотлар ўтказарди. «У қийналган, чарчаган пайтлари бувисиникига бориб мендан яшириниб юрарди, - дейди Ситоли. — Лекин Эмма Браун менинг тўғри йўл тутаётганимни айтиб, уни ҳузуримга қайтарарди».

Африка чемпионлари кубоги учун ўтказиладиган ҳал қилувчи ўйинларнинг бири олдидан клуб президенти Лоуренс Доу футболчиларга рақиб дарвоза-

дер, ўзи билан қўшимча машғулотлар ўтказишнинг сўраб ҳоли жонимга қўймасди. У Англиядаги футбол клубларидан бирида ўйнашни орзу қиларди».

Дарҳақиқат, Жорж Камерунда узоқ қолиб кетмади. Бир йилдан сўнг у Европада йўл олди, лекин орзу қилганидек Англияга эмас, балки Францияга. «Тоннер» Франциянинг «Монако» клуби билан бир миллион франкка олди-сотди шартномаси тузди. «Монако» жамоаси бош мураббийси Арсен Венгернинг таъкидлашича, Жорж янги жамоага тезда ўрганиб кетган. «Монако»даги биринчи ўйинидан кейин Венгер унга «Жорж, кеча ёмон ўйнамадинг» деганида, «Э, йўқ, коуч (мураббий дегани) кеча зўр ўйнадим», деб жавоб беради. Дарҳақиқат, Жорж Веанинг пойқадами

ёқиб, тез орада «Монако» мамлакат чемпионати ва Франция кубоги соҳиби бўлади, қитъа чемпионлари кубогининг финалига чиқади.

«Пари Сен-Жермен»да тўп сурган йиллари ҳам унинг учун ўзига хос мактаб бўлди. «Жорж ажойиб йигит, - дейди у билан «ПСЖ» да бирга ўйнаган Паскал Нума. - У гапирганда ҳамма гўё авлиёни тинглаётгандай жим бўлиб қоларди».

Айрим футбол ишқибозлари ярим ҳазил билан Италия чемпионатини «норасмий жаҳон биринчилиги» дейишади. Бунда улар бу мамлакат клубларида дунёнинг энг номдор футболчилари тўп суришларини назарда тутадилар. Айниқса, «Милан» таркибида тўп суриш Жорж Веадек тажрибали футболчини ҳам бир қадар шошириб қўйиши табиий. Ахир, кучли футболчилар орасида ўзининг кўрсатиб, асосий таркибдан ўрин олиш, қолаверса, ишқибозларнинг имтиҳонидан ўтиш осонми.

Жорж Веа ана шу синовдан муваффақиятли ўтди. «Милан» таркибида дастлаб Белгиянинг «Стандарт» клубига қарши ўртоқлик учрашувида майдонга тушди. Шу кунги Веа рақиб дарвозасига битта чиройли тўп киритиб миллионлик ишқибозларнинг дилларини ром этди. Мавсум охирида эса у бутун Европадаги футбол ишқибозлари ва мутахасссларининг кўнглини забт этди ва «Олтин тўп» совринининг яна бир даъвогари, немис футболчиси Юрген Клинсманндан кўпроқ балл тўплаб, мукофот соҳиби бўлди. Шундан кейин у «Олтин тўп»ни биринчи маънавий устози, бувиси Эмма Браунга кўрсатгани учиб кетди. Эмма Брауннинг туши рўёбга чиқди.

Даврон БЕК тайёрлади

• Футбол юлдузлари

ЛИБЕРИЯНИНГ МИЛЛИЙ ИФТИХОРИ

сига киритилган ҳар бир тўп учун унинг муаллифи минг доллар мукофот олишини айтади. Шу ўйинда учта тўп киритган Жорж уч минг долларни куртдай санаб олади. Бу у ишлаб топган биринчи катта пул эди.

Бугунги кунда Европанинг энг машҳур ва пулдор ўйинчиларидан бирига айланган Жорж Веа устози Фернандо Ситолини унутгани йўқ. Миннатдорчилигининг рамзи сифатида Либерия пойтахтида ўз маблагини ҳисобига «Жуниор профешенлз» номли клуб тузиб, унга Ситолини бош мураббий этиб тайинлаган. Бу жамоанинг футболчиларига Жорж ўз маблагидан Либерия футболдаги энг кўп ойлик маош - 30 доллардан бериб туради, уларни кийим-кечак ва тўплар билан таъминлайди.

Яна Жоржнинг ўсмирлик йилларига қайтсак. У «Инвинсибл»да бир йил тўп сургач, Камеруннинг «Тоннер» клуби уни беш минг долларга сотиб олади. «У майдонда шунчалар эркин ва тез ҳаракат қилардики, рақиб жамоа ҳимоячилари шошиб қолишарди, — деб эслайди ўша йиллари «Тоннер»да ишлаган франциялик мураббий Клод Леруа. - Лекин у мени қонимга ташна қилиб юборарди. Ортимдан соядек эргашиб юрар ва «Менга ёрдам берасан-а? Илтимос, ёрдам бера қолгин...»

Оламда гап кўп

КИМ ҲАҚ?

Археолог Рэймонд Тэйт Исо Масихнинг қабрини топганлигини эълон қилди. Айрим олимлар Тэйтнинг чиқишига ўз муносабатларини билдириб, бу масала салкам 2000 йилдан бери турли баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келётганлигини, Тэйт ҳам сохта обрў кетидан қувиб шундай дейётган бўлиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Муассисларимиз:

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кумитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР:

Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош ҳомийси:

Ўзбекистон «Матбуот тарқатиш уюшмаси» ассоциацияси

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефон: 36-56-52, 34-86-91
Алижон САФАРОВ навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0455 21597 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.